

**Абдуллаева Раъно Гафуровна,**  
Ўзбекистон Миллий университети  
“Иқтисодиёт назарияси” кафедраси, доцент  
вазифасини бажарувчи, PhD

# ҲУНАРМАНДЧИЛИК РИВОЖЛАНИШИНИНГ ИЛМИЙ КОНЦЕПЦИЯЛАРИ ВА УНИНГ МИЛЛИЙ- АНЪАНАВИЙ АСОСЛАРИ

УДК: 334.722(575.1)

## **АБДУЛЛАЕВА Р.Г. ҲУНАРМАНДЧИЛИК РИВОЖЛАНИШИНИНГ ИЛМИЙ КОНЦЕПЦИЯЛАРИ ВА УНИНГ МИЛЛИЙ-АНЪАНАВИЙ АСОСЛАРИ**

Мақолада «хунармандчилик» тушунчаси, унинг шаклланишининг тарихий жиҳатлари тўғрисида Ўзбекистон, Россия ва чет элдаги турли илмий мактаблар мутахассислари томонидан тақдим этилган таърифлар келтирилган. Россия ва хорижий тажрибани таҳлил қилиш асосида хунармандчиликнинг хусусиятларини ўрганиш билан шуғулланадиган асосий илмий мактаблар аниқланди ва улар томонидан хунармандчиликка берилган таърифлар ўрганиб чиқилди. Хунармандчиликни тадқиқ қилиш аҳолини иш билан банд этиш, аҳоли турмуш даражасини юксалтириш, ишсизликни бартараф этишдек долзарб иқтисодий муаммоларни ҳал қилишда унинг аҳамиятини тўғри баҳолаш учун зарур.

Калит сўзлар: хунармандчилик, хунар, хунармандчилик устахоналари, диний этика, илмий мактаблар.

## **АБДУЛЛАЕВА Р.Г. НАУЧНЫЕ КОНЦЕПЦИИ РАЗВИТИЯ ремесла И ЕГО НАЦИОНАЛЬНО-ТРАДИЦИОННЫЕ ОСНОВЫ**

В статье описывается понятие «ремесло» и исторические аспекты его становления, представленные специалистами различных научных школ Узбекистана, России и зарубежья. Для этого на основе анализа отечественного и зарубежного опыта были выделены основные научные школы, занимающиеся изучением особенностей ремесел, и изучены определения, данные ими ремеслу. Исследование ремесел необходимо для правильной оценки его роли в решении текущих экономических проблем, таких как занятость населения, повышение уровня жизни, устранение безработицы.

Ключевые слова: ремесленничество, ремесло, ремесленные мастерские, религиозная этика, научные школы.

## **ABDULLAYEVA R.G. SCIENTIFIC CONCEPTS OF THE DEVELOPMENT OF THE CRAFTS AND ITS NATIONAL AND TRADITIONAL FOUNDATIONS**

The article describes the concept of «craft» and the historical aspects of its formation, presented by specialists from various scientific schools in Uzbekistan, Russia and abroad.

For this purpose, based on the analysis of Russian and international experience, were identified the main scientific schools engaged in the study of the characteristics of crafts. The study of handicrafts is necessary to properly assess its role in solving current economic problems, such as population employment, raising living standards and eliminating unemployment.

Key words: crafts, handicraft, craft workshops, religious ethics, scientific schools.

**Кириш.**

Ўзбекистонда жадал ижтимоий-иқтисодий ислохотлар шароитида ҳунармандчиликни янада ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон халқларининг бой маданий мероси ва тарихий анъаналарини тўлиқ сақлаб қолиш, миллий ҳунармандчилик, халқ бадиий ва амалий санъатини янада ривожлантириш, ҳунармандчилик фаолияти билан шуғулланувчи фуқароларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш аҳоли бандлигини таъминлаш учун ҳунармандчилик ишлаб чиқаришини техник жиҳатдан таъминлашни ўстириш, ҳунармандларни касбий тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, уларни моддий-техник, молиявий ресурслар билан таъминлашни тартибга солиш, ҳунармандчилик маҳсулотлари сифатини бозор талабига мувофиқ ошириш ва экспортини кўпайтириш, ҳунармандчилик фаолиятида тадбиркорликдан фойдаланиш каби муаммоларни ҳал этиш ушбу соҳани илмий тадқиқ этиш заруриятини келтириб чиқаради.

**Илмий муаммонинг қўйилиши.**

Ҳунармандчилик фаолиятини турли йўналишдаги фан вакиллари - педагоглар, социологлар, психологлар, тарихчилар ҳамда иқтисодчилар ўрганишади.

Ҳунармандчиликнинг умумназарий асослари, уни ривожлантириш масалалари кўпга хорижлик олимлар ишларида ёритилган. Булар қаторига М.Вебер, В.Зомбарт, А.Смит, Т.Моммзен, Р.Хизрич, М.Питерс ва бошқа олимларнинг ишларини кириштириш мумкин.

Шунингдек, МДҲга аъзо мамлакатларнинг иқтисодчи олимларидан И.Т.Посошков, М.И.Туган-Барановский халқ ҳунармандчилигини ривожлантириш назариясини яратишда тадбиркорлик муҳитини шакллантиришга катта эътибор қаратишган.

Ҳунармандчилик ўзбек олимлари томонидан ўрганилган бўлса-да, аммо унинг ривожланиш муаммолари, иқтисодий жиҳатлари етарлича ўрганилмаган. Шу нуқтаи назардан хорижий тажрибани умумлаштириш асосида Ўзбекистонда улардан фойдаланиш йўлларини асослаш муҳим вазифалардан ҳисобланади.

**Тадқиқот методологияси.**

Тадқиқот методологиясини ҳунармандчиликни ташкил этиш ва юритишнинг илмий асослари бўйича мамлакатимиз ҳамда хорижий олимларнинг ҳунармандчилик йўналишларида олиб

борган илмий ишлари натижалари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳунармандчиликни ташкил этиш ва ривожлантиришга оид фармон ва қарорлари ташкил этади. Шу билан бирга, хорижий мамлакатларда ҳунармандчиликни ташкил қилиш ва уни юритишнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш, Ўзбекистонда ҳунармандчиликни ривожлантириш учун фойдали жиҳатларини амалиётга кириштиришда катта туртки бўлиши мумкин. Шу нуқтаи назардан ушбу тадқиқотнинг методологик жиҳати мамлакатимизда ҳунармандчиликнинг инновацион ривожланиш ғояларини амалиётга кириштириш йўлларини асослашдан иборат.

**Таҳлил ва натижалар.**

Ҳунармандчилик инсониятнинг ишлаб чиқариш фаолияти билан биргаликда пайдо бўлган. Аммо ҳунармандчилик ҳақидаги қайдлар кейинроқ вужудга келган. Ҳунармандчилик тўғрисидаги дастлабки маълумотлар Қадимги Ҳиндистонда яратилган «Упанишада», «Артахаштра», «Ману қонунлари», «Рамаяна», «Маҳобхорат», Қадимги Мисрда «Гераклеополь шоҳининг ўғли Мерикаруга насиҳатлари» ва «Ипусеранинг маталлари» асарларида мавжуд.

Эрамиздан аввалги IV асрда яратилган «Артахаштра»да жуда кўп ҳунар турлари ҳақида гапирилади. «Ману қонунлари»да эса «гуноҳсиз» ҳунарлар ва шуғулланиш ўлимга олиб келувчи «гуноҳли» ҳунарлар ажратилади. Бадиий ҳунармандчилик билан шуғулланиш таъқиб этилган ва бу ҳунармандчилик тури билан шуғулланиш гуноҳ ҳисобланган. Ҳунармандчилик хизматкор, оқсоч бўлмаган қабила аъзолари – шудраларнинг иши ҳисобланган [1, 362-6].

Қадимги Мисрда ҳунармандчилик ҳақидаги фикрлар мақбара ва папирусларда ёзилган диний матнлардан иборат бўлиб, унда ҳунарманд устанинг мақоми, ҳукумат амалдорлари билан муносабати ва диний маросимлардаги иштироки ҳақида битилган.

Олимларимизнинг олиб бораётган илмий излашлари шундан гувоҳлик берадики, милoddан аввалги I минг йилликнинг биринчи ярмида мамлакатимиз ҳудудида, умуман минтақамизда тоғ жинсларини қайта ишлаш (масалан, темир, қумуш, қалай, қўрғошин ва ҳоказолар), улардан ҳарбий ва меҳнат қуроллари ясаш, кулолчилик, тўқувчилик, қурувчилик, заргарлик, кемасозлик каби соҳалар ривож топган. Милoddан аввалги VIII-VII асрларда яратилган «Авесто» да қоҳинлар,

ҳарбийлар, деҳқонлар ҳамда ҳунармандлар каби ижтимоий табақалар тилга олинади [2, 26-6].

Дунё динлари этикасида ҳам ҳунар ва ҳунармандчилик фаолиятига ижобий муносабат шаклланган. Масалан, яҳудийларнинг диний китоби Эски Аҳднинг Борлиқ ҳақидаги бобида санъат ва ҳунармандчилик турларининг юзага келиши шаҳарларнинг пайдо бўлиши билан боғланади. Унда металлга ишлов берувчи инсон биринчи ҳунарманд, деб кўрсатилади. Мисрдаги манбалардан қадимги Сурия ва Хананда ҳунармандчилик юксак даражада ривожланганлигини билиш мумкин. Эски Аҳдда ҳунармандчиликнинг қуйидаги турлари – заргарлар, тоштарошлар ва чилангарлар, сувоқчилар, дурадгорлар тилга олинади.

Қадимги хитойларнинг «Гуань-Цзи» таълимотида аҳолининг алоҳида қатлами, шу жумладан, ҳунармандлар ҳақида дастлабки маълумотлар учрайди. Ҳунармандчилик кашфиётчилик билан боғланади: ҳунар асл янгиликнинг устун жиҳатларини ҳамма нарсдан ҳам яхшироқ кўрсатиб бера олади. Қадимги Юнон мутафаккирлари ҳам ҳунармандчилик фаолияти муаммосига алоҳида тўхталган. Ксенофонтдан бошлаб («Экономикос») [3, 757-6] ҳунармандчиликка паст назар билан қараш шакллана бошлаган. Ксенофонт ҳунармандчиликни қулларнинг иши деб ҳисоблаган. Ксенофонт ҳунармандчилик устахоналари ўртасида меҳнат тақсимотининг аҳамияти ҳақида фикр юритар экан, устахоналарнинг ўз ичида ҳам меҳнат тақсимоти муҳим аҳамият касб этишини таъкидлайди.

Сукрот Қадимги Юнонистон шаҳар-давлатида ҳунармандчилик муҳим ўрин тутишини таъкидлайди. Платон ҳунармандчилик фаолиятини янаям аниқроқ ўрганади, унинг фикрича, давлат таркибида муайян тақсимот мавжуд: давлатни файласуфлар бошқаради, соқчилар қўриқлайди, эркин фуқароларнинг қуйи синфи - ҳунармандлар эса ишлаб чиқариш билан шуғулланади [4, 366-6].

Аристотель ҳунармандчилик фаолиятини иқтисодий нуқтаи назардан кўриб чиққан. «Муайян мақсадга қаратилган барча ҳунар турларида ишни охиригача етказиш учун тегишли воситалар талаб қилинади, улардан айримлари жонсиз, айримлари жонлидир... чунки санъат турларида ҳунарманд восита бўлиб хизмат қилади» [5]. Аристотелга кўра, ҳунарманд ўз фаолиятини меъёрда олиб бориши учун тегишли ишлаб чиқариш воситалари ва хомашё билан таъминланган бўлиши

керак: «ҳар қандай ҳунарманд, масалан, тикувчи, кемасоз қўлида иши учун зарур хом ашё бўлиши керак. Хом ашё қанчалик сифатли бўлса, маҳсулот ҳам шунчалик сифатли бўлиб чиқади» [5, 314-6]. Аристотель давлатнинг иқтисодий тузилмасида ҳунармандлар бўлиши шарт, деб ҳисоблайди: Ҳар бир давлат ҳунармандларга эҳтиёж сезади ва улар ўз фаолиятдан келаётган даромад ҳисобига кун кўра оладилар» [5, 321-6].

Қадимги Рим олимлари қадимги яҳудийларнинг Эски Аҳдида илгари сурилган ҳунармандчиликка берилган демиург, яъни илоҳий яратувчи ҳақидаги фикрга қўшилмайдилар, Ксенофонт ва Аристотелнинг таълимотини қабул қилиб, ҳунармандчилик фаолиятини инсонга тегишли иш, деб ҳисоблайдилар.

Ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида ҳунармандчилик давлатлар пайдо бўлишидан олдин пайдо бўлган ва давлатлар вужудга келган пайтда ҳунармандчилик анча тараққий этган. Аммо ҳунармандчилик тўғрисидаги ёзма манбалар мамлакатимиз ҳудудида ҳам кечроқ пайдо бўлган. Ҳунармандчилик тўғрисидаги дастлабки маълумотларни биз VI-VII асрларда яратилган Авестодан топамиз, кейин эса Кайковус томонидан яратилган «Қобуснома», Абу Наср Форобийнинг «Фозил одамлар шаҳри», «Бахт-саодатга эришув» асарлари, Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону-луғотит турк», Ал-Хоразмийнинг «Ўғитлар»и, Абу Райҳон Берунийнинг «Минерология» асари, Юсуф Хос Хожибнинг «Қутадғу билиг», Аҳмад Югнакийнинг «Ҳибат-ул ҳақойиқ», Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий томонидан тўпланган «Ҳадислар», Паҳлавон Маҳмуднинг «Рубоий»лари, Лутфийнинг «Гул ва Наврўз», Алишер Навоийнинг «Хамса», «Маҳбуб-ул-қулуб» асарларида, Аруз Самарқандийнинг «Нодир ҳикоятлар»и, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг «Бобурнома» ва бошқа кўплаб асарларида ёритилган.

Муҳим тарихий мерослардан ҳисобланган «Қобуснома» 44 бобдан иборат бўлиб, бошдан охиригача ўсиб келаётган авлодга, ахлоқли, билимли, ҳунарли бўлиш, ҳаётда ўз ўрнини топиш, ҳар кимга ўзининг шахсий ҳаётини йўлга қўйиш ва турмушнинг бошқа томонларини ёритиб, таҳлил қилиб бериш билан суғорилган. Асардаги «Ҳунарнинг афзаллиги ва қадр баланд, олий табиатли бўлиш ҳақида» номли 6-мақолот, «Деҳқончилик ва бозор ҳунарлари ҳақида» деб номланган 43-мақолот, ёш авлодни ҳунар ўрганишга йўналтириш учун ниҳоятда

аҳамиятлидир. Жумладан, 6-мақолотда шундай дейилади: «Эй фарзанд, огоҳ бўлким, ҳунарсиз киши ҳамма вақт фойдасиз бўлур ва ҳеч кимга фойдаси тегмайди... Агар киши олий насаб, асл бўлса-ю, ҳунари бўлмаса, халойиқнинг иззат ва ҳурматидан маҳрум бўлади, ундан баттарроқ бўлади» [6, 41-6].

Шунингдек, барча пайғамбарларнинг ўз ҳунарлари бўлган. Масалан, Нуҳ алайҳиссалом дурадгорлик, Иброҳим алайҳиссалом баззолик, Довуд алайҳиссалом темирчилик, Сулаймон алайҳиссалом хурмо дарахти новдаларидан сават тўқиш, Закариё алайҳиссалом дурадгорлик, ҳазрати пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам чўпонлик ва савдогарлик касби билан машғул бўлишган [7, 31-6].

Қадим ўтган алломаларимиз, шайхлар ҳам бирор ҳунар билан банд бўлганлар. Ҳалол тирикчилик орқали ҳаёт кечирганлар. Шайх Баҳоуддин – нақшбандлик (матога безак уриш) ҳунари билан, шайх Иброҳим Ожуррий – ғишт қуувчи, Абу Саид Харроз – этикчи, шайх Муҳаммад Саккон – пичоқчи, шайх Абу Ҳафз Ҳаддод – темирчи, шайх Абулҳасан – дурадгорлик ҳунарлари билан шуғулланганлар [7, 38-6].

«Қуръони Карим»нинг бевосита оятлари талқинидан келиб чиққан, халқ орасида турли панд-насиҳат, уқтиришлар, таъкидлашлар кўринишида бўлган «Ҳадис»лар ҳам кишиларнинг турмуш тарзини, ижтимоий фаолиятини, бири-бирига муносабатини маълум даражада тартибга солиш тўғрисида ўғитлар беради.

Ислом оламининг буюк муҳаддисларидан ҳисобланган Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ибн Иброҳим ибн ал-Муғийра ибн Бардазбеҳ ал-Жуафий ал-Бухорийнинг «Ал-жомий ас-саҳиҳ» асарида бир неча ҳунарларга кўпгина боблар ажратилган, яъни, 19-боб - Ғишт сотувчи ва қассоб ҳақида, 26-боб - Буёқчи ҳақида, 27-боб - Темирчи ҳақида, 29-боб - Тўқувчи ҳақида, 30-боб - Дурадгор ҳақида бўлиб, юқоридаги ҳунарларнинг, ҳунармандларнинг турлича хусусиятларига тўхталиб ўтилади.

Ўрта аср Шарқининг буюк алломаси Абу Наср Форобий ўзининг қатор асарларида илм ва таълимнинг муқаддаслиги, гўзал ахлоқлик, инсонийлик, садоқатлилик, ҳунар ўрганиш тўғрисидаги ғояларни ёзиб қолдирган. Масалан унинг «Рисола фи-т танбиҳ асбоб ас-саодат» (Бахт-саодатга эришув йўллари ҳақида рисола), «Фозил одамлар шахри» ва бошқа асарларида ўзининг яхши,

мукаммал, бахтли жамият ҳақидаги орзуларини батафсил баён қилади. У «Фозил одамлар шахри» асарида шундай ёзади: «Фозил жамият ва фозил шаҳар шундай бўладики, шу мамлакатнинг аҳолиси бўлган ҳар бир одам касб-ҳунар билан шуғулланади. Одамлар чин маъноси билан озод бўладилар...» [8, 76-6]. Демак, Форобий адолатли жамият қуришда ҳам, баркамол авлодларни тарбиялашда ҳам, миллат ва халқнинг равнақи учун ҳам ҳунар ўрганиш ва ҳалол меҳнат қилиш зарурлигини англайди ва уқтиради.

Абу Райҳон Беруний «Минерология» асарида: «Меҳнатсиз шон-шавкатга, мартабага эришган киши ҳурматга лойиқми? Юқори мартабага меҳнатсиз эришган киши фароғат соясида яшайди, яхши кийинади, аммо, улуғлик либосидан маҳрум, яланғочдир». Демак, меҳнатнинг таги роҳат, аммо, ҳунарманд, меҳнаткаш киши жуда катта амалдор бўла олмаслиги, жуда бой-бадавлат бўла олмаслиги, яланғоч бўлиши мумкин, аммо, ҳузур-ҳаловатда бўлади [9, 655-6].

Юсуф Хос Ҳожиб «Қутадғу билиг» асарида ҳар бир киши ижтимоий ҳаётнинг фаол иштирокчиси сифатида ҳунар ўрганмоғи, ўз ҳунари билан халқига, Ватанига хизмат қилиши зарурлигини уқтиради. Мутафаккир ҳунармандлар ҳақида: «Жуда зарур кишилардир ... темирчи, тикувчи, этикчи, сувчи, тўқувчи, эгарчи, тошчи, ўқчи, камончиларнинг фойдаси катта... бу дунёда улар яхшилик келтирадилар. Улар жуда кўп, ажойиб нарсаларни ишлайдилар» [10, 661-6], – дейди.

Маҳмуд Қошғарий «Девони луғотит турк» асарида «Илмли, ақлли одамларга яхшилик қилиб сўзларини тингла. Илмларни, ҳунарларни ўрганиб, амалга ошир» [11], – дейди. Аллома бу билан кишиларни ҳунар ўрганиб меҳнат қилишга чорлайди. Илмли кишиларни, ҳунармандларни эъзозлашга улардан ибрат олишга ундайди.

Абу Али Ибн Сино ҳам ҳунар ўрганишни зарурий юмуш, инсон жисмини ва руҳиятини чиниқтирувчи бир восита, деб ҳисоблайди: «Эй фарзанд, сен ҳам ҳунарни донодан ўрганмасанг, нодондин ўрганғил. Барча катта, кичикка ҳунар ўрганмоқ вожибдир, недимким киши ҳунар ўрганмоқ билан ўз ҳамроҳларидан баланд мартабада бўлур. Чунки ўзингда, ўз тенгларида ул фазилатни кўрмасанг, ўзингни улардан баланд кўрасан ва улар сени ўзларидан баланд мартабада билурлар. Ҳунарманд киши уларким фазли ва ҳунар сабаб билан қадр ва мартабаси ўзгалардан баланд бўлғон эканини билиб, фазл

ва ҳунарга аввалидан зиёдроқ ҳаракат қилғай ва бурунғидан зиёдроқ фозил ва ҳунарманд бўлғай. Ҳар киши бундоқ қилса, тезда халқнинг орасида азиз ва улуғ бўлғай. Бас, буни билғон киши фазл ва ҳунардин қўл тортса, бу ақлсизлик нишонасидир. Ҳунар ўрганмоқда меҳнат қилмоқ, баданни ялқовлик, яъни бекорчиликдан қутқармоқ фойдалидир. Нединким бекорчилик баданнинг фасод ва беморлиғига сабаб бўлур» [12, 240-6].

Амир Темур ўз салтанатида йирик меҳнат тақсимооти негизида мустақил соҳа бўлиб ажралиб чиққан ҳунармандчиликнинг тўқимачилик, ёғоч ва тош ўймакорлиги, гилам тўқиш, сопол, металл буюмлар тайёрлаш каби соҳаларини янада ривожлантиришга ҳамда деҳқончилик, чорвачилик ва савдога катта аҳамият қаратган. Шу сабабли ижтимоий ҳаётда янгидан-янги касб-ҳунарларнинг пайдо бўлишига имконият яратилган, маданият юксак даражада ривож топган. Амир Темурнинг амри билан турли мамлакатлардан усталар, меъморлар олиб келиниб, бетакрор бинолар қурилган ва боғу-роғлар барпо этилган [13, 344-6].

Ўрта асрларда ҳунармандчилик тараққиётини цех низомлари асосида тадқиқ қилиш мумкин. Ўрта асрлар Европасида цехлар X-XI асрларда пайдо бўлган, унда уста ва шогирдларнинг мавқеи, фаолияти, маросимлари ва бошқалар мустаҳкамлаб қўйилган.

Цех низомлари ўрта аср ҳунармандлари фаолиятини тартибга солгани билан аҳамиятлидир. Умуман олганда, цех низоми ҳунармандчилик фаолиятининг иқтисодий жиҳатлари, янги шогирдларни ишга олиш, цех аъзолари ҳаракатининг меъёрларини ўз ичига олган [14,62-6]. Шундай қилиб, ҳунармандчилик цехининг низоми уч хил меъёрдан иборат бўлган. Булар: иқтисодий, таълимий ва ахлоқий меъёрлар. Уста ва шогирдлар шу меъёрларга асосан фаолият олиб боришган. Ҳунармандчилик сир-асрорларининг авлоддан-авлодга ўтишини ҳисобга олганда, янги технологияларни яратиш ва қўллаш ҳам бир цех доирасида бўлган. Шунинг учун ҳам ҳунармандчилик цехи ўзига хос сулолавий ташкилотга айланган.

Тарихий манбаларга қараганда Марказий Осиёда X асрларда ҳунармандлар жамоатчилиги аъналарига асосан касбдошлар манфаатини ҳимоя қилиш мақсадида уюшмалар ташкил қилганлар. Маҳаллий халқ ҳунармандчилик уюшмаларини «касаба» деб атаганлар [15, 311-6]. Уюшмалар фаолияти махсус ҳужжат «Рисола» асосида таш-

кил этилган. Рисолада соҳага оид ахлоқий, ҳуқуқий ва ижтимоий меъёрлар шариат қонунларига асосан баён этилган. Жумладан, технологик жараёнлар, маҳсулотларнинг турлари, сифати, меҳнат қуроллари ва ҳунармандчиликнинг ушбу соҳага оид турли хил урф-одат ва маросимлари батафсил ёритилади.

Рисолада баён этилган масалалардан ташқари, ривоят ва ибратли матнлардан шогирдларни тарбиялаш мақсадида фойдаланилган. Шунингдек, рисолада уста ва шогирд мажбуриятлари ҳам белгилаб қўйилган бўлиб, унга кўра уста ўз шогирдига шариат, тариқат илмидан сабоқ бериши, уни тарбиялаши, ўз ҳунарини пухта ўргатиши лозим бўлган бўлса, шогирд эса ўз мажбуриятига кўра устозини ҳурмат қилиши, унга самимий муносабатда бўлиши ва устанинг рухсатисиз устахонани тарк этмаслиги керак бўлган [16, 82-6].

Ўрта асрлар ҳунармандчилигини тадқиқ этишда И. Т. Посошковнинг «Бахиллик ва бойлик ҳақидаги китоб»и ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бу асарда у Русь давлатини ўзига хослиги ва миллий-маданий қадриятларини ҳисобга олган ҳолда янгилаш дастурини тақдим этди. Асарнинг «Бадийлик ҳақида» деб номланган 5-боби ҳунармандчиликка бағишланган. Унинг фикрича, ўша пайтда оғир аҳволда бўлган шаҳар ҳунармандчилигини яхшилаш учун Европадаги сингари цех низомларини ишлаб чиқиб жорий этиш, тайёр маҳсулотларни тамғалаш ва шогирдларнинг иши учун усталарни масъулиятини кучайтиришни таклиф қилган. Агар шогирдлар сонига чеклов бекор қилинса, ҳунармандчилик устахоналари мануфактура типига корхоналарга айланади. Бундан ташқари Посошковнинг фикрича, «ўйлаб топар-хаёлпараст» (ихтирочи)ларнинг меҳнати рағбатлантирилмайди. Шунинг учун ихтирочиларнинг ўлимигача ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи алоҳида низом жорий этиш зарур. Шунингдек, уларга ўзларининг «ҳунар» лари учун нафақат умрбодлик патент бериш керак, балки усталарга устахонасини йирик корхона – «ҳунармандчилик уйи»га айлантириш ҳуқуқи берилиши керак [17, 141-6].

Ҳунармандчилик тўғрисида салбий қарашлар XVI-XVII асрларда капиталнинг дастлабки жамғарилиш жараёнида пайдо бўлди. Ҳунармандчилик устахонасида меҳнат тақсимотининг мавжуд эмаслиги, ишлаб чиқариш ҳажмининг камлиги, ҳунармандларнинг олди-сотди жараёнлари, бозор муносабатларига кириша

олмаганликлари сабабли бозор муносабатлари доирасида фаолият юритадиган хунарманд-тадбиркорлар – майда буржуазия ва ишчилар синфи шаклланди.

Меркантилистлар хунармандчилик масаласига у қадар эътибор қаратмайдилар. Масалан, А. Монкретъен «Сиёсий иқтисод трактати» асарида ишлаб чиқаришнинг заруратини таъкидлайди. Зеро, «давлатни бой қилувчи нарса олтин ёки кумушнинг салмоғи эмас, балки ҳаёт учун зарур предметларнинг мавжудлигидир». Унинг фикрича, савдо-сотик ва дастлабки капиталда давлат ролини ошириш даромаднинг ортиши ҳамда «турли хунарлар»нинг ривожланишига олиб келади [18, 67-6].

Физиократлар асосий эътиборни қишлоқ хўжалигига қаратадилар, хунармандларни унумсиз синф деб ҳисоблаб, етарлича эътибор қаратмайдилар.

Классик иқтисодий мактаб асосчиси А.Смитнинг ишларида хунармандчилик фаолияти капиталистик муносабатлардан холи равишда маҳсулотни ишлаб чиқариш билан боғлиқ иш сифатида талқин қилинган. А.Смит хунармандчилик фаолиятининг мануфактура саноати ва тадбиркорлик фаолиятига нисбатан самарасизлигини кўрсатган [19, 656-6].

Хунармандчилик муаммосини В. Зомбарт ўзининг «Буржуа» асарида батафсил тадқиқ қилади. Зомбартнинг фикрига кўра, хунармандчиликнинг моҳияти қуйидагилардан иборат: «...ҳақиқий хунарманд ва хунарни қадрловчи инсон ҳар вақт «хунар доимо ўз эгасини боқиши керак, хунарманднинг турмуши маҳсулотларининг сотилиши ва меҳнат ҳақиға боғлиқ». У «ҳақиқий хунарманднинг меҳнати якка тартибдаги ижоддир», дейди ва инновацион хунармандчилик тўғрисидаги тезисни илгари суради: «...бир гуруҳ иқтидорли ихтирочилар ана шу фаолиятни ўзларига касб қилиб олган ҳамда маълум иқтисодий манфаат эвазига у ёки бу жиҳатдан ҳаётга татбиқ этса бўладиган ғояларни жамоатчиликка тақдим этади» [20, 19-6].

Зомбартнинг фикрига кўра, хунарманд-тадбиркорлар капиталистик тадбиркорликнинг бир тури ҳисобланади: «...хунармандчилик ўз фаолиятини капиталистик корхона даражасигача кенгайтира олган капиталистик ишлаб чиқариш соҳасидаги капиталистик тадбиркорликнинг бир тури ҳисобланади. Хунармандлар хусусий тадбиркорларнинг «биринчи авлоди», кейинчалик вужудга келган йирик корхоналар асосчиларидир» [20, 21-6].

М.Вебер ҳам ўз ишларида хунармандчилик фаолиятини салмоқли ўрганган. У хунармандчилик корхоналари капиталистик корхоналарга қадар шакланган поғона эканини ҳамда Ғарбда хунармандчилик фаолияти ўзининг ижобий шаклида хўжалик юритиш эволюциясининг муҳим босқичи бўлганини таъкидлайди. Унинг айтишича, саноат корхоналари гўё хунармандчиликка ўзлари учун керакли ишчи кучини тайёрлаш вазифасини юклагандай малакали ишчи кучининг салмоқли қисмини хунармандлар орасидан танлаб олади. Хунармандчилик билан шуғулланувчи католиклар хунарманд бўлиб қолишга мойилроқ, яъни уларнинг нисбатан кўп қисми шу хунар доирасида уста даражасига етади. Чунки оилада дин таъсирида шакланган инсон ва тарбиянинг ўзига хошлиги касб танлови ҳамда касбий фаолиятнинг келгуси йўналишини белгилаб беради.

М. Вебер хунармандчиликни фақат шаҳарга хос хўжалик фаолияти сифатида ўрганади. Унинг фикрича, цех бу – йирик бизнесга ўхшаш корпоратив тузилма, кичик хунармандлар эса кўпинча йирик цехларга қарши қўйилувчи мустақил тузилмадир. Вебер тарихий тараққиёт давомида кичик хунармандларнинг манфаатлари тадбиркорлик цехлари билан кескин тафовутга келган бўлиши мумкинлигини таъкидлайди [21, 50-52-6].

Йирик иқтисодчи олим М.И.Туган-Барановский ўзининг 1915 йилда ёзган «Кооперациянинг ижтимоий асослари» номли асарида хунармандчилик кооперациясининг вужудга келиши, унинг муваффақиятсизлиги ва тақдири тўғрисида ўз фикрларини баён этган [22]. У хунармандчиликнинг муваффақиятсизлиги сабаблари сифатида уларнинг ислохотларга нисбатан бефарқлиги, замонавий бухгалтерия ва қонунлар билан таниш эмасликларини кўрсатади.

### **Хулоса ва таклифлар.**

Хунармандчилик фаолияти турли замонларда турлича ривожланган ва жуда кўп тазйиқларга учраганига қарамасдан XXI асргача етиб келди. Ҳар қандай ҳолатда ҳам ўзининг яшовчанлигини сақлаб қолди, бундан кейин ҳам мавжуд бўлишини инobatга олган ҳолда мазкур соҳани комплекс кўриб чиқиб, чуқурроқ ўрганиш зарур [23]. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, шунингдек, иқтисодиётнинг норасмий секторини тадқиқ этиш ҳам хунармандчилик фаолиятининг иқтисодий моҳиятини тушунишда муҳим аҳамият касб этади.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Законы Ману. – М.: Издательство восточной литературы, 1960. - Б. 362.
2. Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. (Энг қадимги даврдан Россия босқинига қадар). – Т.: «Шарқ», 2000. - Б. 26.
3. Ксенофонт. Сократические сочинения. Киропедия. – М.: АСТ, 2003. - С.757.
4. Философский словарь / под ред. И. Т. Фролова. 5-е изд. – М.: Политиздат, 1986. - С. 366
5. Платон, Аристотель. Политика. Наука об управлении государством. М.: Эксмо, 2003. - С. 314.
6. Кайковус. Қобуснома (Форсчадан М. Ризо Огаҳий тарж). – Т.: Истиқлол, 1994. - Б. 41.
7. Аждодлар мероси – маърифат зиёси / М. Б. Йўлдошев [ва бошқ.]. – Тошкент: MOVAROUNNAHR, 2015. - Б. 31.
8. Абу Наср Форобий. Бахт-саодатга эришув ҳақида. Рисолалар. –Т.: «Фан», 1975, - Б.76.
9. Абу Райхон Беруний. Қимматбаҳо жавоҳирлар ҳақида билимлар китоби. Китобал – жамохир фи – маърифат ал – жавоҳир. Минерология. - Т.: «Ўзбекистон Миллий энциклопедияси». 2018, - Б. 655.
10. Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг (Саодатга йўлловчи билим). - Т.: «Фан», 1971. - Б.661.
11. Маҳмуд Қошғарий.// history,uz tv news
12. Зуннунов А., Хайруллаев М. ва б. Педагогика тарихи. – Т.: Шарқ, 2000. - Б. 240.
13. Темур тузуклари. А. Соғуний ва Х.Караматов тарж. – Т.: Адабиёт ва санъат нашр., 1996. - Б. 344.
14. Кузнецова О.Д., Шапкин И.Н. История экономики:Учебник. –М.: ИНФРА – М, 2014. - С. 62
15. Пещерова Е.М. Гончарное производство Средней Азии. – М-Л.: АН СССР, 1959. С.311
16. Атаджанова Д. Рисола – источник по изучению отдельных отраслей истории ремесла // O'zbekiston tarixi.T.,2005. №2. С.82.
17. Посошков И. Т. Книга о скудости и богатстве. – М.: Изд-во АН СССР, 1979. - С. 141.
18. Ядгаров Я.С. История экономических учений. Учебник. –М.: ИНФРА – М, 2014. - С. 67.
19. Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. – М.: Директ медиа Паблишинг, 2008. - С. 656.
20. Зомбарт В. Буржуа. Евреи и хозяйственная жизнь: перевод с немецкого. – М.: Айрис-пресс, 2004. - С. 19.
21. Вебер М. Протестантская этика и дух капитализма: избранные произведения. – М.: Прогресс, 1990. - С. 50 - 52.
22. Туган-Барановский М. И. Социальные основы кооперации. – М.: Юрайт, 2016. - С. 344-367.
23. Регулирование деятельности субъектов малого предпринимательства в начале XXI века: мировой опыт : коллективная монография – Томск : Издательский Дом Томского государственного университета, 2020. – 332 с.